

**Транспортда йўловчи ташиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида  
№23072-сонли ШАРТНОМА**

«07» июн 2022 йил

Бешарик шахри

“Тоштемиржон Омад Транс” МЧЖ низоми асосида ҳаракат қилувчи номидан бошқарув раиси З.Кабиров келгуси матнларни «**Бажарувчи**» деб номланувчи бир томондан ва иккинчи томондан Бешарик туман халқ таълими бўлими «**Буюртмачи**» ўз низоми асосида раҳбар **В.Абдурахмонов** шартномани қуйидаги таъриф бандлари асосида тузадилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**»нинг буюртмасига асосан ўзига тегишли бўлган автотранспорт воситаларида Бешарик туман халқ таълими бўлими тасрруфидаги №57-умумий ўрта таълим мактаби ҳудудидан узок жойларда яшаётган ўқувчиларни ўз вақтида мактабга олиб келади ва олиб бориб қўяди.

**1.3** «**Буюртмачи**» бажарилган ишлари учун шартноманинг қуйи бандларида келишилган автотранспорт ҳақини ўз вақтида тўлаб беради. «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**»нинг ҳар кунги аниқлаб берадиган автотраспорт буюртмасига қараб автомобилнани ажратади.

**2. ХИСОБ – КИТОБ ШАРТЛАРИ.**

**2.1.** Мазкур шартноманинг умумий қиймати 32 565 000 (Ўттиз икки миллион беш юз олтмиш беш минг) сўм 00 тийинни ташкил қилади.

**2.2.** «**Бажарувчи**» автотранспорт ижарга бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, кўрсатилган хизматлар учун «**Буюртмачи**» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. «**Буюртмачи**» олдиндан 2022 йил ойма ойида 30% миқдорда 9 769 500 сўм 00 тийин аванс тўловни амалга оширади, ҳамда тўлик ҳисоб–китобни йил давомида амалга оширади.

**2.3.** Хизматлар учун нарх ўзаро белгиланган ҳолда белгиланади. Бунда уша кунга ҳудуддаги ўртача бозор нархлари асос қилиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида кўрсатилган хизматлар учун белгиланган нархлари юқори деб топилса, ушбу фарқ «**Бажарувчи**» зиммасидан қопланади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ**

**3.1.** «**Буюртмачи**»нинг мажбурияти:

- Транспортнинг узлуксиз ишлаб бўш туриб қолмаслиги учун шароит яратиб беради ва ўз вақтида давлат стандартига мос келадиган махсулотларни ёки ўзига тегишли бўлган мулкларни таъминлайди.
  - Ташилган йўловчиларни олиб бориб келганлиги тўғрисида ҳужжатларни ҳар куни тасдиқлаш.
  - Келишилган сум миқдорини тўлаб беради.
  - Транспорт воситаларига ўзи буюртма берган вақтдан бошлаб ортилган юкни қабул қилиш пунктига ташлаб чиққан вақтгача бўлган давр учун ҳақ тўлайди, лекин тўлов амалга оширилиши лозим бўлган вақт 3 кундан кам бўлмаслиги лозим.
- Автокорхона ҳудудидан ўқувчиларни ташиш ва олиб бориб қўйишгача бўлган масофа учун алоҳида (падача) тўлаб беради.

**3.2.** «**Бажарувчи**» нинг мажбурияти:

- «**Буюртмачи**» томонидан берилган буюртмага мувофиқ зарур миқдорда ва муддатда автотранспорт ажратади.
- «**Буюртмачи**» автотранспортни ёнилги билан таъминланган тақдирда ёнилгилар учун ҳақ олмасдан хизмат ҳақидан чиқариб ташлайди.
- Транспорт ҳужжатини расмийлаштириш ва бу ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун масъул бўлган тарафларнинг шахслари жавобгардирлар.

**4. ХИСОБ – КИТОБ ШАРТЛАРИ**

**4.1.** «**Буюртмачи**» ўқувчиларни ташиш учун ва бошқа транспорт хизмати учун барча тўловларни шартноманинг 2.2 банди муддатида амалга оширади.

**4.2.** Хизмат ҳақи тўлаш «**Буюртмачи**» томонидан ҳисоб рақамига етрали маблағ молиялаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

**4.3.** Автотранспорт хизмат ҳақиси соатга тўлдирилган ҳужжатлар асосида ҳар бир бажарилган хизмат учун 1 соатига 97500 сўмни ташкил қилади.

**4.4.** Автотранспорт воситасини ўқувчиларни мактабга етказиб бориш ва мактабдан олиб келиш вақти 334 соат бўлиб 32 565 000 сўмни ташкил қилади.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Тарафлар ушбу шартноманинг 1.1, 1.2, 2.2 бандларини узирсиз сабаблар билан бажармаган тақдирда иккинчи тарафга шартномага асосан кўрсатиладиган хизмат суммасининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

**5.2.** «**Бажарувчи**» ташиш учун қабул қилиб олинган юкни йуқолиши ёки қамомад учунг айби билан бўлса, яъни далолатнома асосида ҳайдовчининг имзоси билан тасдиқланса жавобгардир.

**5.3.** «**Буюртмачи**» шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини ушбу шартноманинг 2.2 бандига асосан тўлаб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.4% миқдорда пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2.1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима тўлаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

Кўриб чиққан юрист: ABDURAFIQOV XURSHIDJON BOZORBOY O'G'LI. Ҳужжат рақами: MC4130041551

1000.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: CS 142130/8  
5.4. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиб берилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида бажармаса, хар кун кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тўлайди лекин шартноманинг 2.1 банди кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаслиги керак.

5.5. Тарафлар узаро келишилган ҳолда ўртадаги низони хал киладилар.

5.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармасдан иккинчи тарафга тўланадиган жарима ва пенялардан ташқари моддий зарарни тўлаб беришни ҳам кафолатлайди.

### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

6.1. Келишмовчиликлар ва низолар келиб чиккан тақдирда тарафлар коидага кўра мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мувожаз килишга ҳақлидирлар.

6.3. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш билан боғлиқ тарафлар ўртасида келиб чикадиган, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хал этилади.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилганидан бошқача, тарафлар келишувида кўзда тутилмаган ҳолатлар юз берган тақдирда уни тарафлар фуқароси колекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги конунга амал килган ҳолда хал киладилар.

### 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома икала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 1 сентябрдан 2022 йил 31 декабргача.

7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Бажарувчи» томонидан етказиб берилган маиший хизмат техникаларини «Буюртмачи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2 бандлари бажарилмаганда шартнома «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Бекор килинган тўғрисида «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

### 8. Форс – мажор ҳолатлари.

8.1. Форс–мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан Янги конун ва қарорларни қабул килиниши натижасида келиб чиқарадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

### 9. Қўшимча шартлар.

9.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари орқаси хал килинади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, имзо кўйилгандан кейингшина газначилик бошқармаси (булинмаси)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартнома барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда конуний деб ҳисобланади.

### 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

#### «Бажарувчи»

«Тоштемиржон Омал Трапе» МЧЖ  
Манзил: Бешарик ш Бешарик кўчаси  
Тел./факс 94-558-89-49  
х/р 20208000200426799001  
СТИР 303175107 МФО 00513  
Банк номи Бешарик Агро банки

#### «Буюртмачи»

Бешарик тумани халқ таълими бўлими  
Манзил: Бешарик ш Дўстлик кўчаси № 8 -уй  
Тел./факс -61 21 2 45  
шхр 100022860302157092100075059  
ташкilotнинг СТИРи 200155197  
ИФУТ 92100  
Газначилик булинмасининг номи Бешарик тумани  
ЯГХ 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳри Бош  
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 Газначилик булинмасининг СТИРи -201122919



З. Кабиров

рахбар



В. Абдурахмонов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

08.06.2022 yil

**Beshariq tuman**  
**Xalq ta'lim bo'limi**

**XULOSA**

(Xalq ta'lim bo'limining  
shartnoma loyihasiga)

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Transportda yo'lovchi tashish bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risida №23072–sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**  
Beshariq tuman xalq ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 07 iyun kuni ishlab chiqilib va shu kuni dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha bo'yicha taklif:**

O'zbekiston Respublikasi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi qonuning 56-moddasida eng yaxshi takliflarni tanlashni o'tkazish mezonlari tartibi berilgan bo'lib unga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash (bundan buyon matnda tanlash deb yuritiladi) vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

Shartnoma loyihasiga yig'ilish bayoni ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Beshariq tuman xalq ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihalarini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM**  
**bosh yuriskonsulti**



**X.Abdurafiqov**